

Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража

Стратегик бошқарув ва лидерлик

соҳаси бўйича

Профессионал Диплом

8-модул: Корпоратив жавобгарликка стратегик
ёндашувлар

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96531 3

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

Мундарижа

Кириш	1
8-модул: Корпоратив жавобгарликка стратегик ёндашувлар	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	15
Дарс режаси	25
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	45

Кириш

Мазкур манбалар буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профessional Диплом спецификациясини тўлдирувчи материалдир. Спецификация сизни нимани ўқитиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Ушбу буклетда сиз юқоридаги вазифани қандай бажариш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва ғояларни топасиз.

Буклет сизга дарс ўтиш ва таълим бериш борасида ғояларни тақдим этган ҳолда, ўз ичига, шу жумладан амалий дарслар, реалистик сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш йўллари ва мустақил таълимни бошқариш ҳамда баҳолаш услубларини олади. Буклет, шунингдек спецификацияда акс этган маълумот қай тарзда амалиётда ишлашини намоён этиб, сизни малака оширишнинг турли йўллариини излашга рухлантиради.

Мазкур манбалар буклети қуйидагиларни тақдим этади:

- модуларни қай тарзда квалификацияни ўқитишга кўмаклашиши тўғрисида қўлланма;
- модуларни квалификацияни ўқитишга ёрдам берувчи тавсия этилган манбалар;
- квалификация барча модуллариини қамраб олган мавзу, вазифа ва баҳоларни тушунтириб берувчи ишлар схемаси;
- модул бўйича қай тарзда дарсларни ўтиш тўғрисида батафсил қўлланмали Дарс режалари;
- барча квалификация модуллариини баҳолашни ўтказишда кўмаклашувчи Мустақил топшириқ йўриқномалари.

Мазкур манбалар буклетидаги маълумот квалификацияни тузиш билан яқин боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан йиғилганлиги сабаб, улар BTEC малака ошириши ўқитилишининг янги ва қизиқарли услубларини излаш билан боғлиқ муаммоларни яхши тушунишади.

Буклетда келтирилган Ўқитишга доир қўлланмасида, квалификация бўйича таълимни режалаштиришда нималарни эътибордан четда қолдирмаслик тўғрисида маълумот мавжуд. Қуйидагилар ҳақида маълумотлар мавжуд:

- сизнинг квалификация курсингиз таркиби;
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун квалификацияни тузиб олишингиз;
- қандай қилиб сиз иш берувчилар билан алоқага чиқишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа ёрдамчи ва мақбул манбалар.

Биз сизга индивидуал қўлланма бердик. Ушбу қўлланма ўз ичига ўқув мақсадларига қай тарзда ёндашиш кераклиги борасида таклифларни, шунингдек дарсларни қизиқарли ва ранг-баранг тарзда ўтишга доир ғояларни олади. Шу билан биргаликда, сиз ўз вазифаларингизни қай тарзда режалаштириш тўғрисида маслаҳат ва ғояларни топасиз.

Ҳар бир модул учун биз синчиклаб танланган манбаларни қўшдик. Ресурслар рўйхати сиз ўз ўқувчиларингизга тавсия этишингиз ва/ёки ўқитишда ишлатишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеоларни ўз ичига олади.

8-модул: Корпоратив жавобгарликка стратегик ёндашувлар

Ўқув қўлланма

Ушбу модулда ўқитишнинг барча натижалари, мослашувчан асосда тақдим этилиши мумкин. Ўқитувчининг расмий ҳиссаси, баъзи назарий материалларни идентификациялаштириши мумкин, шунга қарамай, ўқувчилар корпоратив жавобгарлик билан бошқарув ҳақида тадқиқот ўтказиш ва маълумот тўплаш учун индивидуал равишда ва гуруҳларда ишлашлари мумкин. Корпоратив жавобгарлик билан бошқарув ҳақида бошланғич билимлар талаб қилинмайди ва ўқувчилар ҳар қандай иш тажрибасидан фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқотлар, амалий ўрганиш, кейс-стади ва мунозаралар, корпоратив жавобгарлик билан бошқаришни ўрганиш усуллари таклиф этади. Ташкилотнинг юқори даражали менежерлари, норматив талабларга амал қилиш бўйича ходимлар ёки таклиф этилган тегишли спикерлар ёрдамида, корпоратив жавобгарлик билан бошқарув ҳақида амалий тасаввурга эга бўлишни таъминлаш мумкин. Актуал материаллар интернетда мавжуд, ҳуқуқий ва норматив масалалар бўйича материаллар эса, давлат муассасаларида ҳам, хусусий таъминотчиларда ҳам мавжуд. Матбуот ва ОАВдаги долзарб ҳодисалар ҳақидаги мақолаларда, шунингдек, молия ва атроф-муҳит каби соҳаларда, корпоратив жавобгарлик ҳақидаги масалалар кўриб чиқилади.

Ўқувчилар ташкилотлар фаолият кўрсатадиган глобал контекст ва глобал иқтисодиётнинг ҳам миллий иқтисодиёт, ҳам ташкилотларнинг фаолиятига бўлган таъсири билан танишишлари мумкин. Кейс-стади ва мисоллардан миллий ҳукумат ўзлари имзолаган шартномаларни бажариш учун ўз иқтисодиётлари ва ҳуқуқий тизимларининг турли соҳалари назоратидан қандай қилиб воз кечганликларини намоён этиш учун фойдаланиш мумкин. Ташкилотлар мос келиши керак бўлган шартномалар масалан: иқлим ўзгариши ва қочқинлар билан боғлиқ халқаро шартномаларни ўз ичига олади. Иш жойидаги сиёсат, амалиёт ва процедураларни ўрганиш, қонунлар, норматив актлар ва директиваларнинг таъсирини кўрсатиши мумкин ва ташкилотлар эга бўлган кўплаб тушунтириш материаллари, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан тайёрланган онлайн материаллар мавжуд.

Тақдимотлар, корпоратив бошқарув масъулининг характери ва аҳамиятини аниқлаши мумкин. Молиявий ва экологик назоратнинг тўхтатилишида юзага келадиган, жиддий муаммоларни ҳал қиладиган кейс-стади, корпоратив бошқарувнинг самарали амалиёти зарурлигини кўрсатиши мумкин. Бошқарувдаги тўхтатилишнинг оқибатлари тўғридан-тўғри ва кенг қамровли таъсирга эга, шунингдек, кейинчалик қонунчилик ҳужжатларига киритиладиган, бошқарувга бўлган талабларнинг ўзгаришига олиб келади.

Ташкилий сиёсат ва мунозаралар соҳасидаги тадқиқотлар, барқарорлик сиёсий кун тартибида устувор ўринга эга, дунёда экологик хабардорликнинг роли ва аҳамиятини аниқлаши мумкин. Ушбу муаммолар филтрланади ва уларнинг таъсирини шахсий хотиржамлик ва ҳимоя каби соҳаларда кўриш мумкин. Ўқувчилар шунингдек, меҳнат ресурсларини бошқариш борасидаги ташкилий сиёсат, амалиёт ва процедураларга таъсир этувчи ахлоқий масалаларни ҳам ҳисобга олишлари керак.

Модул билан танишиш

Ўқувчилар ўз фаолиятларида корпоратив жавобгарликка асосланган ёндашувдан фойдаланадиган ташкилотнинг сабабларини таҳлил қила олишлари керак. Ушбу сабабларни тўртта асосий соҳаларга бўлиш мумкин:

- ҳукумат ташаббуслари, қонунчилик ва норматив актларга жавобан, масалан: меҳнат муҳофазаси бўйича қонунчилик; меҳнат қонунчилиги; ифлословчи моддаларни ташлаш тўғрисидаги норматив актлар;
- мижозларнинг босимига жавобан, масалан: самарасиз ёллаш амалиёти;
- ташкилотнинг стратегик режасида белгиланган алтруистик қадриятларни тарғиб қилиш учун;
- бизнес-моделнинг бир қисми сифатида, у корпоратив ижтимоий жавобгарлик (КИЖ) сиёсати ва улар билан боғлиқ ҳаракатлар айланманинг ва даромадлиликнинг ошиши каби бевосита ёки билвосита молиявий самарадорликка олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек бозордаги улушнинг ортишига олиб келувчи рақобатли устуворликка олиб келувчи бизнес харажатларини ўзида акс эттиришини тан олади. Ушбу бизнес-модел дивидендларнинг кўпайиши кўринишидаги акциядорларнинг фаровонлиги билан активларнинг қиймати эса акцияларнинг нархини ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.


Бундан ташқари, ўқувчиларни янада кенг ижтимоий ва экологик таъсир ўтказадиган савдо харажатлари ва самарасиз иш амалиётини кўриб чиқишга ундаш тавсия этилади. Масалан: ишлаб чиқариш амалиёти ва ишга жойлашиш соҳасидаги дискриминацион амалиёт оқибатида келиб чиққан ифлосланиш.

Шунингдек, ўқувчилар технологиялар, хусусан ижтимоий тармоқларнинг ташкилотлар имиджи ва обрўсига бўлган ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини тушунишлари керак.

Малакалашдан ўтган ўқувчилар, бошқарув ва раҳбарлик лавозимларида ишлашнинг катта тажрибасига эга бўлишлари мумкин. Ушбу тажрибадан турли хил контекстларда ва вазиятларда, бошқарув назариясининг қўлланилишини муҳокама қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар тадбирларнинг доимий портфелини, шу жумладан, малака давомида ўтказилган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фойдали, деб ҳисоблашади. Ушбу портфел шахсий ривожланиш режаларини тайёрлашда, мутахассислар учун менежментни ривожлантириш дастурларига ўтишда ёки юқори раҳбарлик ва бошқарув лавозимларига ўтишда, тайёргарлик кўришда фойдали бўлиши мумкин.

1-расмда ушбу тўртта ҳар хил элементнинг ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган.



1-расм: КИЖ ташаббусларини амалга ошириш сабаблари

Ўқувчилар тақдимотларни тайёрлашлари ва улар билан чиқиш қилишлари керак. Бу уларни самарали мулоқотга асосланган янги кўникмалар тўплами билан таништиради. Ўқувчилар самарали тақдимотга олиб келадиган, илғор амалиёт ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак. Илғор амалиётнинг намунаси сифатида, тақдимотлар, ҳар доим тақдимот ҳақида батафсил, ёзма ҳисобот тақдим этилиши мумкин бўлган, маърузачиларнинг қайдлари билан бирга бўлади.

Таклиф этилган маърузачилар – ўқувчиларга уларнинг тадқиқотлари меҳнат соҳасида қандай қўлланилишини кўрсатиш учун яхши усулдир. Ўқувчилар олдида чиқиш қилиш учун марказий ҳукумат вазирликларининг, стратегик бошқарув лавозимларида ёки хусусий сектор ташкилотларида ишлайдиган одамлар таклиф этилиши мумкин.

Синфга таклиф этилган маърузачилар ташрифи чоғида, ўқувчиларнинг яхши тайёргарлиги муҳимдир. Ўқувчилар учун маърузачининг ташрифига яхши тайёргарлик кўришнинг самарали усули – унинг чиқишидан олдин бир қатор саволларни ёзиб олишдир. Кейин сиз саволларнинг мувофиқлигини текширишингиз ва саволларни алоҳида ўқувчилар ўртасида тақсимлашингиз мумкин.

Саволлар тўрт тоифага бўлинган бўлиши керак:

- маърузачи ишлайдиган КИЖ ташкилоти соҳасидаги аниқ сиёсат ва ташаббусларга тегишли саволлар;
- КИЖ бўйича ташаббуслар, ташкилотнинг асосий стратегик мақсадларига эришиш учун қандай ҳисса қўшаётганлигига эътибор қаратадиган саволлар;
- КИЖ бўйича ташаббусларни амалга оширишда ташкилотлар дуч келадиган муаммоларга қаратилган саволлар;
- Бизнеснинг КИЖ сиёсатини қабул қилишдан қайтишни ҳисобга оладиган саволлар.
- 1-жадвалда ўқувчилар таклиф этилган маърузачининг тақдимотидан сўнг, ўтказилиши мумкин бўлган юқоридаги мавзуларнинг кейинги таҳлили келтирилган.

Мавзулар	Кейинги таҳлил
Маърузачи ишлайдиган КИЖ ташкилоти соҳасидаги аниқ сиёсат ва ташаббусларга тегишли саволлар	• Бандлик соҳасидаги ташаббуслар; • Ижтимоий чоралар; • Экологик ташаббуслар; • Уюшмалар лойиҳалари; • Сиёсат бўйича баёнотлар; • Амалга ошириш режалари; • Раҳбарлар мажбуриятлари;
КИЖ бўйича ташаббуслар ташкилотнинг асосий стратегик мақсадларига эришиш учун қандай ҳисса қўшади	• Миссия, қарашлар ва қадриятлар; • Ўсиш; • Рентабеллик; • Бозор улуши; • Манфаатдор томонлар билан ўзаро таъсир; • Акциядорлар учун бойлик ва қадрият;
КИЖ бўйича ташаббусларни амалга оширишда ташкилотлар дуч келадиган муаммолар	• Харажатлар (тўғридан-тўғри; билвосита); • Сармояларнинг даромадлилигини баҳолаш; • Бошлиқларнинг иштироки; • Ташкилий содиқлик;
Бизнеснинг КИЖ сиёсатини қабул қилишдан олиши мумкин бўлган потенциал самара	• Савдо белгиси; • Обрў; • Истеъмолчиларни жалб қилиш (содиқлик; ушлаб қолиш); • Молиявий таъсир (фойда; сотиш; айланма; бозор улуши); • Қўшимча молиялаштириш имконияти, масалан: давлат грантлари;

1-жадвал: Корпоратив ижтимоий жавобгарликни ташкилий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш.

Баҳолаш модули

2-жадвалда ҳар бир ўқув мақсади учун мазмуннинг асосий соҳаларининг умумий шарҳи келтирилган.

Эътибор беринг, ушбу модул учун учта вазифадан иборат ягона баҳолаш мавжуд. Ўқувчилар муваффақиятли натижага эришиш учун барча баҳолаш мезонларини бажаришлари ва демак барча ўқув мақсадларини бажаришлари кераклигини тушунишлари муҳимдир.

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий соҳалари	Баҳолаш учун тавсия этилган ёндашув
A Ташкилотлар учун глобаллашувнинг тегишлилик моҳияти ва унинг оқибатларини тушуниш	A1 Глобал интеграция A2 Глобаллашув муаммолари	Тақдимот билан бирга халқаро бизнес учун корпоратив ижтимоий жавобгарлик стратегиясини тайёрлаш
B Ташкилотларда масъул корпоратив бошқарув муҳимлигини тушуниш	B1 Корпоратив бошқарув B2 Меъёрий талаблар	
C Атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунлар, йўриқномалар ва раҳбарият кўрсатмаларининг ташкилотга таъсирини тушуниш	C1 Экологик муаммолар Бизнесни амалга оширишнинг барқарор экологик усулларнинг янада кенгроқ атроф-муҳитга таъсири C2 Экологик қонунчилик C3 Барқарорлик ва корпоратив қадриятлар	
D Ҳозирги иқтисодий шароитда ташкилотлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-маданий, ахлоқий ва маънавий масалалар таъсирини тушуниш	D1 Ижтимоий, маданий, ахлоқий ва маънавий муаммолар D2 Ташкилий амалиётлар	

2-жадвал: Ўқув мақсадни баҳолаш бўйича умумий маълумот.

Баҳолаш бўйича қўлланма

Ушбу модул учун ўқув мақсадлари барча ўқув мақсадларини қамраб оладиган баҳо ёрдамида (ушбу модул учун вазифанинг қисқача тавсифига қаранг) ёки аниқ ўқув мақсадларини ўз ичига олган, алоҳида вазифалар тўплами ёрдамида баҳоланиши мумкин.

Юқоридаги жадвалда боғланган вазифалар тўплами бўлган битта вазифага асосланган, тавсия қилинган ёндашув келтирилган. Ушбу вазифаларнинг ҳар бири бўйича кўрсатмалар қуйида келтирилган.

А, В, С ва D ўқув мақсади

1-вазифада ўқувчилар ташкилотнинг ҳозирги КИЖ ташаббусларини таҳлил қилишлари керак. Улар ташаббуслар ва тегишли сиёсий баёнотлар билан олинadиган ташкилотнинг соҳаларини кўриб чиқишлари керак. Ўқувчилар ташкилотнинг стратегик мақсадларига нисбатан унинг КИЖга бўлган ёндашувининг самарадорлигини, шунингдек, унинг қарашлари, қадриятлари ва миссиясини таҳлил қилишлари керак. Баъзи ҳолларда, ташкилот ўз қадриятлари ва миссиясини белгилаб бера олмайди ва бу камчиликнинг таъсири ҳам ўқувчилар томонидан баҳоланиши керак. Ташкилотнинг халқаро ўлчови, тегишли халқаро институтларнинг таъсирини ва уларнинг ташкилий амалиётга қандай таъсир кўрсатишини ҳисобга олиши керак.

2-вазифада ўқувчилар КИЖ стратегиясини ишлаб чиқишда, стратегик ёндашувнинг аниқ далилларини намоён этишлари керак. Бу ташкилотнинг умумий бизнес мақсадларига қиймат қўшадиган аниқ узоқ муддатли мақсадларни белгилашни ўз ичига олиши керак. Узоқ муддатли мақсадлар тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни ва таклиф этилаётган режанинг фойдаларини ўз ичига олган, реал амалга ошириш режаси билан қўллаб-қувватланиши керак.

3-вазифада ўқувчилар тақдимот учун тегишли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, маърузачининг қайдлари билан таъминланган тақдимотни тайёрлашлари керак ва улар таклиф этилган аудитория саволларига жавоб беришга тайёр бўлишлари керак. Тақдимот ҳеч бўлмаганда битта имтиҳон олувчи томонидан баҳоланган бўлиши тавсия этилади.

Модул бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

8-модул: Корпоратив жавобгарликка стратегик ёндашув

Кириш

Ушбу модул бўйича, ишларнинг кўп қисмини баҳолаш учун ўқувчилар асос сифатида, ўзларининг шахсий иш жойларидан фойдаланишлари мумкин. Ўқувчиларга ташкилотнинг КИЖга бўлган ёндашувини акс эттирувчи, ўз ташкилотининг сиёсатини бўлишишлари фойдали бўлади. Аммо улар ташкилотнинг бир қисми бўлмасалар, унда ишга жойлашиш, ташкилотни батафсил ўрганиш ёки муайян вазиятни ўрганиш учун мос материал каби бошқа стратегиялардан фойдаланишга тўғри келиши мумкин.

Кейс-стадини интернет орқали олиш мумкин. Йирик корпорациялар, корпоратив жавобгарлик бўйича уларнинг ташаббуслари ҳақида, шарҳларни ўз ичига оладиган йиллик ҳисоботларни эълон қилишлари шарт. Бундай шарҳлар фойдалидир, чунки улар КИЖнинг иқтисодий асосланишининг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди.

Тавсия этиладиган сайтлар ва бошқа Ресурслар рўйхати ушбу қўлланманинг якуний қисмида келтирилган. Хусусан, веб-сайтлар энг замонавий маълумот манбаларини ва улар билан боғлиқ бошқа материалларни тақдим этишда фойдалидир.

А ўқиш мақсади: Ташкилотлар учун глобаллашувнинг тегишлилик моҳияти ва унинг оқибатларини тушуниш

А ўрганиш мақсади учун ўқувчилар глобаллашувнинг миллий иқтисодиётга таъсирини тушунтиришлари керак. Бунга глобаллашувнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари кириши керак. Ўқувчилар танқидий позицияга эга бўлишлари ва тегишли мисоллардан фойдаланган ҳолда, ўз ғояларини намоёниш этишлари керак.

Ўқувчилар халқаро институтларнинг Ўзбекистондаги камида иккита ташкилотга таъсирини муҳокама қилишади, масалан: Жаҳон банки ва эркин иқтисодий зоналарнинг (ЭИЗ) роли ва жавобгарлигини тушунтиришади. Урғу, иш жойидаги муайян сиёсат ва процедуралардан олинган мисоллар билан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларга қаратилиши керак. Шунингдек, Европа иттифоқи каби эркин иқтисодий зоналарнинг умумий хусусиятларини ва эркин иқтисодий зоналарига қўшилиш натижасида юзага келадиган кескинликларни ўрганиш ҳам фойдалидир.

8-модул: Корпоратив жавобгарликка стратегик ёндашув
В ўқув мақсади: Ташкилотларда масъул корпоратив бошқарув муҳимлигини тушуниш
В ўқув мақсади учун ўқувчилар корпоратив бошқарувнинг хусусиятлари, роли ва аҳамиятини тушунтиришлари керак. Тушунтириш танқидий бўлиши керак ва корпоратив бошқарувнинг самарали амалиётини кўрсатиш учун корпоратив бошқарувнинг муваффақиятсиз намуналарини ўз ичига олиши керак. Ўқувчилар, ташкилотлар илғор амалиётларга бўлган талабларнинг қабул қилинишини англашини кўрсатадиган, корпоратив бошқарувга бўлган ҳуқуқий ва норматив талаблар қандай қилиб корпоратив сиёсат ва процедураларга қўшилганлигини кўрсатиш учун таҳлилий кўникмалардан фойдаланишлари зарур. Ўқувчилар норматив талабларнинг манфаатдор томонларга ва уларнинг кўпинча низоли ва қарама-қарши манфаатларига таъсирини бу турли хил эҳтиёжлар мувозанатини қандай қилиб қўллаб-қувватлаб туриш мумкинлигини кўрсатган ҳолда баҳолашлари керак.
С ўқиш мақсади: Атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунлар, йўриқномалар ва раҳбарият кўрсатмаларининг ташкилотга таъсирини тушуниш
С ўқиш мақсади учун ўқувчилар, экологик сиёсат ва қонунчиликни қабул қиладиган ташкилот учун иқтисодий оқибатларни, барқарорликни таъминлаш ва атроф-муҳитга бўлган таъсирни минималлаштириш учун зарур бўлган ҳаракатларни тушунтирган ҳолда, ҳисобга олишлари керак. Ўқувчилар, иш берувчилар меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича тегишли чораларни кўриш йўли билан ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва қонунчилик талабларига риоя қилиш учун қандай ҳаракат қилишларини тавсифлаб беришлари керак, чунки соғлиқ ва хавфсизлик билан боғлиқ бир қатор масалалар, хавфли материаллар билан муносабатда бўлиш каби экологик онгга боғлиқ.
Д ўқиш мақсади: Ҳозирги иқтисодий шароитда ташкилотлар фаолиятига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-маданий, ахлоқий ва маънавий масалалар таъсирини тушуниш
Д ўқув мақсади учун ўқувчилар ташкилотларнинг иш жойлари фаровонлигини ошириш бўйича мажбуриятларини таҳлил қилишлари керак. Ўқувчилар ташкилотларда хилма-хилликни қандай бошқариш кераклиги ҳақида ўйлашлари ва ташкилотлар турли ёндашувлардан қандай фойдаланишларини таққослашлари керак. Айрим ташкилотлар имкониятлар хилма-хиллиги ва тенглигини бошқариш учун ижобий ҳаракатлар сиёсатини олиб борган ҳолда, янада фаол позицияни эгаллашади.

ВТЕСнинг бошқа бўлинмалари ва малакаларга ҳаволалар

Ушбу модул қуйидагиларга ҳавола қилади:

- 4-модул: Бизнес-стратегия ва корпоратив маданият;
- 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация.

Китоблар

Crane A and Matten D – *Business Ethics: Managing Corporate Citizenship and Sustainability in the Age of Globalization* (3rd Edition), Oxford University Press (2010), ISBN-13: 9780199564330

Mallin C A – *Corporate Governance* (4th Edition), Oxford University Press (2012), ISBN-13: 9780199644667

Solomon J – *Corporate Governance and Accountability* (4th Edition), John Wiley and Sons (2013), ISBN-13: 9781118449103

Журналлар

Бошқарув бугунда (HaymarketBusinessMedia)

Профессионал менеджер (Чартер Бошқарув Институти)

Иқтисодчи (Иқтисодчи Газетаси) вақти-вақти билан корпоратив жавобгарлик ва бошқарув тўғрисида мақолалар нашр этади.

Вақт (Вақт Газетаси), шу жумладан ҳар ҳафталик мутахассислар учун инсон ресурслари билан боғлиқ мавзулар бўйича бўлим.

Веб-сайтлар

www.businesslink.gov.uk – Business Link

www.europa.eu – Европа Иттифоқи

www.frc.org.uk – Молиявий ҳисобот кенгаши

www.imf.org – Халқаро валюта фонди

www.netregs.gov.uk – Буюк Британияда кичик ва ўрта бизнес учун экологик қўлланма

www.oecd.org – Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти

Видео

<https://www.youtube.com/watch?v=nkteAJBtM9A>

Корпоратив ижтимоий жавобгарлик: КИЖнинг асосий тамойиллари ва амалиётлари ҳақида қисқача маълумот.

<https://www.youtube.com/watch?v=Z5KZhm19EO0>

Бизнеснинг ижтимоий жавобгарлиги: TED Алекс Эдманснинг Лондон бизнес мактабидаги чиқиши.

https://www.youtube.com/watch?v=H4Aq-qC_Pdo

Оксфорд MBA Мунозаралар: бизнесда ижтимоий жавобгарлик.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларнинг мазмуни учун жавобгар эмас.

Ўқитувчилар учун ҳар қандай веб-сайтни синфда ишлатишдан олдин унинг URL-манзилини аниқ, тўғри ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун олдиндан кўриб чиқиш муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилашни ва ўқувчиларга уларга коллежнинг интернет мактаблари орқали киришни таклиф қилишни тавсия қиламиз.

Иш схемаси

Модул номи	8-модул: Корпоратив жавобгарликка стратегик ёндашув
Ўқув соатлари	30
Дарслар сони	10
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	Барча модуллар

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Глобал интеграция А1 мавзуси		Кириш: Ўқитувчи модул мақсадлари билан таништиради; мазмун ҳақида қисқача маълумот ва баҳолаш мезонлари Ўқитувчи тақдимоти: Халқаро бизнес-муҳит – PESTLE (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, техник, ҳуқуқий, экологик) таҳлил. Жуфтликда бажариладиган машқлар: Тематик тадқиқот – ўқувчилар PESTLE таҳлилни ўтказадилар.	Модул спецификацияси Доска ва ручкалар Интернетга уланган компьютерлар Тақдимотлар Машқлар рўйхати Флипчартлар ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Олдинги дарс натижаларидан бизнеснинг стратегик мақсадларига таъсирни аниқлаш учун фойдаланинг. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар халқаро институтларда тадқиқотлар ўтказадилар, масалан: Жаҳон банки, G20. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Ҳар бир муассасанинг асосий хусусиятларини тасдиқлаш. • Ўқитувчи тақдимоти: Халқаро савдо блоклари. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўрнатилган глобал ва минтақавий алоқаларни ўрганадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Ўзбекистон учун унинг бошқа давлатлар ва муассасалар билан глобал алоқаларнинг аҳамияти. • Якун: Ўқитувчи дарсда кўрсатилган ўқишнинг асосий пунктларини тасдиқлайди.	
2	Глобализация муаммолари А2 мавзуси		• Кириш: Саволар ва жавоблар: ўқитувчи олдинги дарс натижаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдимоти: Глобаллашув муаммолари ҳақида қисқача маълумот.	Модул спецификацияси Доска ва ручкалар Интернетга уланган компьютерлар Флипчартлар ва ручкалар Тақдимотлар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Жуфтликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар Буюк Британия ва Брексит тажрибаларини, ҳамда АҚШнинг «Американи буюк қил» стратегиясини ўрганадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Буюк Британия ва АҚШ тажрибасининг Ўзбекистон учун оқибатлари. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар капитал ва меҳнатнинг халқаро мобиллигининг афзаллик ва камчиликларини ўрганадилар. • Якун: Ўқитувчи дарсда кўрсатилган ўқишнинг асосий пунктларини тасдиқлаши керак.	Машқлар рўйхати
3	Корпоратив бошқарув ва норматив талаблар В1 ва В2 мавзулари		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи олдинги дарс натижаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдимоти: Корпоратив бошқарув. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқув намуна – ўқувчилар Ўзбекистоннинг корпоратив жавобгарлик моделини ўрганадилар. • Ўқитувчи тақдимоти: Самарали бошқарув хусусиятлари. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар тегишли бошқарувнинг хусусиятлари қаерда бузилганлигини аниқлайдилар.	Модул спецификацияси Доска ва ручкалар Интернетга уланган компьютерлар Тақдимотлар Флипчартлар ва ручкалар Машқлар рўйхати

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Тегишли бошқарув хусусиятларини тасдиқлаш учун аввалги фаолият натижаларидан фойдаланинг. • Ўқитувчи тақдимоти: Ички ва ташқи (молиявий) аудитнинг хусусиятлари ва мақсади. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Кейс-стади – ўқувчилар аудитнинг манфаатдор томонларга таъсири ва оқибатларини ўрганадилар. • Якун: Ўқитувчи дарсда аниқланган асосий пунктларни тасдиқлаши керак.	
4	Экологик муаммолар ва экологик қонунчилик C1 ва C2 мавзулари		• Кириш: Ўқувчилар олдинги дарсдан манфаатдор томонлар, аудитининг тематик тадқиқоти натижаларини тақдим этишлари керак. • Ўқитувчи тақдимоти: Экологик муаммолар ва глобал реакция. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар халқаро ҳамжамиятнинг экологик муаммоларга бўлган реакциясини ўрганадилар, масалан: Киото протоколи, Париж келишуви. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Ҳозирги халқаро кескинлик ва экологик масалаларни ҳал қилишдаги муаммоларни ёритиб бериш учун олдинги дарс натижаларидан фойдаланинг.	Модул спецификацияси Доска ва ручкалар Интернетга уланган компьютерлар Тақдимотлар Флипчартлар ва ручкалар Машқлар рўйхати

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи тақдимоти: Жамият бахт-саодати, бепул маҳсулотлар ва ташқи омиллар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар, Ўзбекистонда амал қиладиган атроф-муҳит муҳофазасига тегишли норматив ҳужжатларни ўрганадилар. • Якун: Ўқитувчи дарсда аниқланган асосий пунктларни тасдиқлаши керак.	
5	Барқарорлик ва корпоратив қадриятлар С3 мавзуси		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи олдинги дарс натижаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдимоти: Брунтланд ҳисоботи ва унинг бизнес учун аҳамияти. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқув мисол – ўқувчилар уч натижа концепциясини амалда қўллашда қатнашадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Экологик ҳисобот тушунчасини киритиш учун олдинги дарс натижаларидан фойдаланинг. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқув мисол – ўқувчилар бизнес олиб боришнинг барқарор усуллари ўрганадилар. • Ўқитувчи тақдимоти: Вазифани тақдим этинг ва ўқувчиларни ҳар бир вазифанинг талаблари билан таништиринг.	Модул спецификацияси Доска ва ручкалар Мустақил иш Текширувнинг ички ёзувлари Интернетга уланган компьютерлар Тақдимотлар Флипчартлар ва ручкалар Машқлар рўйхати

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			Якун: Ўқитувчи дарсда аниқланган ўқишнинг асосий пунктларини тасдиқлаши керак.	
6	Ижтимоий, маданий, ахлоқий ва маънавий муаммолар D1 мавзуси		Кириш: Саволар ва жавоблар – ўқитувчи олдинги дарс натижаларини чиқаради. Ўқитувчи тақдимоти: Ижтимоий, маданий, ахлоқий ва маънавий муаммолар орасидаги фарқ. Жуфтликда бажариладиган машқлар: Бизнес-сценарийлар – ўқувчилар турли хил бизнес контекстларда ижтимоий, маданий, ахлоқий ва маънавий муаммоларни аниқлайдилар. Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Манфаатдор томонларнинг турли хил эҳтиёжлари ва манфаатларини таъкидлаш учун олдинги дарс натижаларидан фойдаланинг. Жуфтликда бажариладиган машқлар: Сценарийлар – ўқувчилар манфаатдор томонларнинг турли хил гуруҳлари ўртасидаги манфаатларнинг потенциал низоларини ўрганадилар. Якун: Ўқитувчи дарсда аниқланган асосий пунктларни тасдиқлаши керак.	Модул спецификацияси Доска ва ручкалар Интернетга уланган компьютерлар Тақдимотлар Флипчартлар ва ручкалар Машқлар рўйхати

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Ташкилий амалиётлар D2 мавзуси		• Кириш: Саволлар ва жавоблар – ўқитувчи олдинги дарс натижаларини чиқаради. • Ўқитувчи тақдимоти: Ижтимоий-маданий ва ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш учун бизнесдаги ташкилий амалиётлар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар компаниялар қандай қилиб ижтимоий, маданий, ахлоқий ва маънавий муаммоларни ҳал қилишга интилишларини ўрганадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Олдинги дарсдан олинган энг яхши амалиётларни аниқланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Ўқувчилар ижтимоий, маданий, ахлоқий ва маънавий муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳаракатларнинг иқтисодий асосланишини муҳокама қилишади. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ: Олдинги дарсдан олинган асосий муаммоларни аниқланг. • Якун: Ўқитувчи дарсда аниқланган ўқишнинг асосий пунктларини тасдиқлаши керак.	Модул спецификацияси Доска ва ручкалар Интернетга уланган компьютерлар Флипчартлар ва ручкалар Тақдимотлар Машқлар рўйхати

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
